



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, 2.Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

20 18 август 2015 й.

№ 7264

Иштихон ш.-г.Иштихан

Тумандаги "Мирзокул" МФЙ ҳудудидаги "Мирзокул" қишлоғидан фуқаро Умирзоқова Ферузага "Болалар боғчаси" қуриш учун ер майдони ажаратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон тумани "Халқобод" МФЙ ҳудудидаги "Халқобод" қишлоғида яшовчи фуқаро Умирзоқова Ферузанинг "Мирзокул" МФЙ ҳудудидаги "Мирзокул" қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган 75-рақамли контурдаги 0.20 гектар ер майдонида "Болалар боғчаси" қуриш учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган аризини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"ни 36-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнини маълумот учун қабул қилинсин. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Умирзоқова Ферузага "Мирзокул" МФЙ ҳудудидаги "Мирзокул" қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган 75-рақамли контурдаги ер майдонида 50 (эллик) ўринли "Болалар боғчаси" биносини қуриш учун 0.20 гектар қишлоқ хўжалигида ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Умирзоқова Ферузага ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан экологик хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га "Болалар боғчаси" бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими  Ш.Негматов